

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)



Мамаюсупов Омонулла Маматқудович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

эркин изланувчиси

E-mail: omamayusupov@senat.uz

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркиби, уларни бошқаришга оид масалалар ҳақида сўз боради. Бунда, 2022-2023 йилларда Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ижроси динамикаси ва тузилиши таҳлили ўтказилган. Эришилган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар кўрсатиб ўтилган. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари таркиби, даромадларни бошқариш, даромадлар қисмининг ижро динамикаси, бюджет ижроси таҳлили, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, молиявий барқарорлик.

Аннотация: В данной статье рассмотрены состав доходов местных бюджетов, вопросы, связанные с их управлением. При этом был проведен анализ динамики и структуры исполнения доходов местного бюджета Джизакской области в 2022-2023 годах. Обозначены достигнутые результаты и существующие проблемы. Даны предложения и рекомендации по укреплению финансовой устойчивости местных бюджетов.

Ключевые слова: местный бюджет, состав доходов местного бюджета, управление доходами, динамика исполнения доходной части, анализ исполнения бюджета, прямые налоги, косвенные налоги, финансовая стабильность.

Abstract: This article examines the composition of local budget revenues and issues related to their management. At the same time, an analysis of the dynamics and structure of the execution of revenues of the local budget of the Jizzakh region in 2022-2023 was carried out. The achieved result and existing problems are outlined. Suggestions and recommendations are given to strengthen the financial stability of local budgets.

Key words: local budget, composition of local budget revenues, revenue management, dynamics of revenue execution, analysis of budget execution, direct taxes, indirect taxes, financial stability.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилнинг 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазибалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бюджетга тушумларни таъминлаш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Бунда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бюджет даромадлари **113 трлн сўмни** ташкил этиб, **14 фоиз** ошганлиги, шу билан бирга корхоналар ва тадбиркорларга кўмак бериб, даромадини ошириш орқали солиқ тушумини кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, тадбиркорга ортиқча тўлов қилдирган масъуллар жазоланиши ҳақида қатъий огоҳлантирилди [1].

Дарҳақиқат, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, қўшимча захираларни аниқлаш орқали бюджет даромадларини ошириш, бунда илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга кенг жорий қилиш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда давлат молиясини бошқариш жараёнидаги долзарб муаммолардан бири маҳаллий бюджетлар даромадлари ижросининг барқарорлигини таъминлашдир. Бу борада бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан солиқларнинг аҳамиятини ошириш муҳимлиги эътироф этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А. Ваҳобов, А. Бурханов, Х. Қурбонов, Н. Ҳайдаров, Ш. Тошматов, А. Жўраев, З. Срожидиннова, А. Маманазаров, О. Иминов, Т.Маликов, Х. Кобулов, А. Исламқулов томонидан давлат бюджети даромадларини бошқариш, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган.

Уларнинг илмий хулосаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада профессор А.Бурханов ва доц. Х.Қурбонов ҳудудларда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган илмий хулосаларини Қашқадарё вилояти мисолида асослаб берган [2]. Жумладан, улар Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида маҳаллий бюджет даромадлари ижроси иқтисодиётни, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестицион фаолликни янада ошириш ҳисобига янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, солиқлар бўйича мавжуд қарздорликни камайтириш ва норасмий секторда фаолият юритувчи субъектларни расмий секторга ўтказиш билан боғлиқ қатор ислохотлар натижасида таъминланганлигини келтириб ўтади.

Профессор Ш. Тошматов маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини ҳокимликларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш баробарида такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазаларни беради [3].

Н.Ҳайдаров фикрича, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хорижий

инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхатини ишлаб чиқиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлигини кўрсатиш лозим [4].

А.Х. Исламкулов изланишларида бюджет даромадларида солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалалар тадқиқ этилган [5].

Россиялик иқтисодчи, профессор О. Сухарев барча даражадаги бюджет даромадларининг, мос равишда харажатларининг манбаларини тубдан ўзгартирган ҳолда, бюджет механизмини самарали фаолиятни рағбатлантиришга йўналтириш тизимини илгари суради [6].

Т. Найденова ва И. Швецова маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий асосини маҳаллий бюджет ташкил этишини ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлари солиқлар ва солиқсиз даромад турлари, шунингдек, қайтарилмайдиган даромадлар ҳисобидан шаклланишини эътироф этган [7].

Иқтисодчи Г.Б. Поляк маҳаллий бюджетлар барқарорлигини комплекс баҳолаш тизимини тадқиқ қилиш воситасида молиявий барқарорлик таъминланиши учун маҳаллий бюджетнинг қонунчиликда назарда тутилган минимал харажатлари бюджет даромадларининг, яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўртача 50-60 фоизни ташкил қилиши лозимлигини эътироф этади [8].

Россиялик иқтисодчи Ю.А. Власованинг фикрига кўра, солиқ имтиёзларини жорий этган ва бюрократик тартиб-таомиларни соддалаштирган ҳолда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг самарасиз харажатлари улушини камайтириш ва самарали харажатларини кўпайтириш орқали ҳудудларнинг бюджет сиёсати самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш мумкин [9].

Юқоридаги иқтисодчи олимлар жамоаси томонидан илгари сурилган фикр мулоҳазаларда маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтиришнинг ва барқарорлигини таъминлашнинг молиявий омиллари тадқиқ этилган. Ушбу омиллар контекстидаги ислохотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш тизимини рағбатлантирувчи молиявий механизмни шакллантириш имкониятини яратади.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, таҳлил даври 2 йиллик (2022-2023 йиллар) Жиззах вилояти маҳаллий бюджет даромадлари манбаи тенденциясини қамраб олган.

Таҳлил ва натижалар

Худудларда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, уларни самарали бошқариш ҳамда солиқ тушумларини ошириш масалаларининг муҳимлигини эътиборга олиб, Жиззах вилоятининг маҳаллий бюджети даромадлари ижросига баҳо берамиз. Бунинг учун 2023 йилда вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози кўрсаткичларининг бажарилишини 2022 йилга таққослаган ҳолда таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги VI-41-349-3-0-R/22-сонли қарори билан тасдиқланган Жиззах вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнози кўрсаткичлари **2,2 трлн сўмни** ташкил қилган [10].

Йил давомида маҳаллий бюджет даромадлари прогнози кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши натижасида, аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичи **2,0 трлн сўмни** ташкил этган ёки дастлабки прогноз **145 млрд сўмга** камайтирилган.

2023 йил якунида маҳаллий бюджет даромадлари **2,2 трлн сўмни** ташкил қилиб, аниқлаштирилган прогнозга нисбатан **109,2 фоизга** ижроси таъминланган ҳамда 2022 йилга нисбатан **22,2 фоизга** ўсган.

Жиззах вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг 2022-2023 йиллардаги ижроси тўғрисида солиқ турлари кесимида маълумот (млрд сўм)

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	2022 йил ижро	2023 йил Аниқланган (прогноз)	2023 йил ижро	2023 йил аниқланган режага нисбатан		Ўсиш суръати 2022-2023 йиллар	
					(+;-)	%	(+;-)	фоиз
А		1	2	3	4	5	6	7
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР		1922,8	2039,9	2227,9	188,0	109,2	405,1	122,2
I.	ДАРОМАДЛАР	1593,1	1502,2	1991,2	188,0	110,4	398,1	125,0
1.	Бевосита солиқлар	920,6	1061,0	1180,4	119,3	111,2	259,7	128,2
1.1	Фойда солиғи	169,2	178,3	265,6	87,1	148,9	96,3	156,9
1.2	Айланмадан олинадиган солиқлар	82,9	94,9	88,1	-6,8	92,8	5,2	106,2
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	653,4	771,1	811,0	39,8	105,2	157,5	124,1
1.4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан	15,1	16,7	15,8	-1,0	94,3	0,7	104,6

	олинадиган даромад солиғи							
2.	Билвосита солиқлар	88,1	97,0	95,7	-1,3	98,6	7,6	108,6
2.1	Яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдан ундириладиган солиқлар	88,1	97,0	95,7	-1,3	98,6	7,6	108,6
3.	Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи	402,8	437,7	501,5	63,8	114,6	98,6	124,5
3.1	Юридик шахсларининг Мол-мулк солиғи	58,4	61,2	68,9	7,7	112,6	10,6	118,1
3.2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	30,2	41,7	50,1	8,4	120,3	20,0	166,2
3.3	Ер солиғи	183,6	241,6	272,2	30,6	112,7	88,6	148,2
3.4	Қурилиш материаллари бўйича Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	116,1	72,4	84,6	12,2	116,9	-31,4	72,9
3.5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	14,5	20,7	25,5	4,8	123,2	11,0	175,4
4.	Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	181,5	207,4	213,7	6,3	103,0	32,2	117,7
II.	Ўтказиб бериладиган даромадлар	229,7	236,7	256,7	0,0	100,0	7,0	103,1

Изоҳ: Жиззах вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.


Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2023 йилда жами 188 млрд сўм маблағлар қолдирилган.

Жумладан, Жиззах шаҳрида 22,9 млрд сўм, Арнасой туманида 4,1 млрд сўм, Бахмал туманида 3,7 млрд сўм, Фаллаорол туманида 4,8 млрд сўм, III.Рашидов туманида 7,1 млрд.сўм, Дўстлик туманида 4,4 млрд сўм, Зомин туманида 4,1 млрд.сўм, Зарбдор туманида 3,1 млрд сўм, Зафаробод туманида 4,3 млрд.сўм, Мирзачўл туманида 5,5 млрд сўм, Пахтакор туманида 3,4 млрд.сўм, Фориш туманида 3,8 млрд сўм ва Янгиобод туманида 1,8 млрд сўм.

2023 йилда маҳаллий бюджети даромадлари таркибида **бевосита солиқлар 53 фоизни, билвосита солиқлар 4,3 фоизни, ресурс солиқлари 22,5 фоизни ва бошқа даромадлар 9,6 фоизни, ўтказиб бериладиган даромадлар 10,6 фоиз** ташкил қилган.

2022 йилда маҳаллий бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқлар 50,5 фоизни, билвосита солиқлар 4,8 фоизни, ресурс солиқлари 22,1 фоизни ва бошқа даромадлар 10 фоизни, ўтказиб бериладиган даромадлар 12,6 фоиз ташкил қилган.

1-расм. 2022-2023 йилларда Жиззах вилоят маҳаллий бюджети даромадлари тузилмаси



Изоҳ: Жиззах вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Бевосита солиқлар бўйича 2023 йилда маҳаллий бюджетга жами 1,2 трлн сўм келиб тушган, ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 259,7 млрд сўмга ёки 28,2 фоизга кўп бўлган.

Хусусан, 2023 йилда фойда солиғи прогноз кўрсаткичи 87,2 млрд сўмга (48,9 фоиз) ортиқ бажарилган (2022 йилга нисбатан 56,9 фоизга ўсган). 2023 йил якунига келиб фойда солиғи тўловчилар сони 7,5 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 270 мингтага ёки 3,7 фоизга ошган.

2023 йилда прогноз кўрсаткичлари корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ бўйича 7,2 фоизга (6,8 млрд сўм) кам бажарилган бўлса-да, 2022 йилга нисбатан

6,2 фоизга кўпайган. Солиқ тушумларининг кўпайишига солиқ тўловчиларнинг товар обороти ошиши (50 фоиз), айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган ставкаси бўйича тўловчилар сонининг кўпайиши (20 фоиз), ўзини ўзи банд қилган шахслар йириклашгани (5 фоиз), янги ташкилотлар (солиқ тўловчилар) ташкил этилиши (25 фоиз) каби омиллар сабаб бўлган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогнозга нисбатан 5,2 фоизга (39,8 млрд сўм) кўп бажарилган, шунингдек, 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 24,1 фоизни ташкил қилган. Мазкур солиқ тури бўйича тушумлар ошишининг асосий сабабини корхона ва ташкилоилардаги ходимлар сонининг (211,1 мингта) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 25 мингта ва меҳнатга ҳақ

тўлаш фондининг (3,4 трлн сўм) қарийб **563,8 млрд сўмга** ошиши билан тавсифлаш мумкин.

Билвосита солиқлардан бензин, дизель ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи 2023 йилда **95,7 млрд сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **7,6 млрд сўмга** ёки **8,6 фоизга** ошган.

Шунингдек ўтказиб берилган даромад таркибида билвосита солиқлар бўйича акциз солиғи тушумлари алкоголь маҳсулотларида (пиво маҳсулотлари билан бирга) **95,8 млрд сўм**, тамаки маҳсулотларида – **99,9 млрд сўм**, мобил алоқа хизматларида – **41,1 млрд сўмни** ташкил қилган.

2023 йилда **ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича** умумий тушумлар **0,5 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан солиштирганда **98,6 млрд сўмга** ёки **24,5 фоизга** кўп бўлган.

Жумладан, 2023 йилда юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича прогноз кўрсаткичи **7,7 млрд сўмга** (12,6 фоиз) ортиғи билан бажарилган, 2022 йилга нисбатан **18,1 фоизга** ўсган. Тушумларнинг ўсишига айрим турдаги кўчмас мулкка нисбатан қўлланиладиган мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган солиқ ставкасини **0,5 фоиздан 0,6 фоизга** оширилиши, минимал қийматдан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган объектлар сони кўпайиши, солиқ қарзларининг ундирилиши каби омиллар сабаб бўлган.

Шунингдек, 2023 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларида Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ **8,4 млрд сўмга** (20,3 фоиз), ер солиғи **30,6 млрд сўмга** (12,7 фоиз), қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ **12,2 млрд сўмга** (16,9 фоиз), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ **4,8 млрд сўмга** (23,2 фоиз) ҳамда бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар **6,3 млрд сўмга** (3 фоиз) кўп бажарилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-813-сон Қонунининг 7-иловасига асосан Жиззах вилояти вилоят бюджетига республика бюджетидан **1 284,4 млрд сўм** тартибга солувчи трансфертлар берилиши кўзда тутилиб, йил давомида ушбу маблағлар тўлиқ ўтказиб берилган.

2022-2023 йилларда солиқ тўловчилар сонининг ўзгариш динамикаси (нафар)

2-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йил 1 январь	2024 йил 1 январь	2022 йилга нисбати фоизда
1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони				
1.	Фойда солиғи	7 253	7 523	3,7

2.	Қўшилган қиймат солиғи	7 253	7 523	3,7
3.	Акциз солиғи, жами	153	162	5,8
4.	Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	114	115	0,8
5.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 989	2 207	10,9
6.	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	2 805	3 009	7,3
7.	Юридик шахслар ер солиғи	3 034	3 266	7,6
2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар				
8.	Даромад солиғи (қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи ЯТТ билан бирга)	883 240	930 921	5,4
9.	Мол-мулк солиғи	664 291	680 737	2,4
10.	Ер солиғи	190 616	195 582	2,6

Изоҳ: Жиззах вилояти солиқ бошқармасининг маълумотлари асосида тузилди.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Жиззах вилоятида маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш мақсадида келгусида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Бугунги кунда йирик корхоналарни солиққа тортиш Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан юритилгани билан ушбу корхоналар тўловларининг айрим қисми (*маҳаллий солиқлар*) маҳаллий бюджетга тушади. Таҳлилларга кўра, йирик корхоналар солиқ прогнозини бажармагани учун айрим туман (*шаҳар*) бюджетлари қўшимча даромадларсиз қолиб кетмоқда. Бунга ечим сифатида йирик корхоналарнинг маҳаллий бюджетга тўловларини ҳисобга олиш бўйича алоҳида тартибни жорий қилиш лозим.

2. Иш ўринларини легаллаштириш мақсадида кичик корхоналарда яратилган ҳар бир янги иш ўрни учун ойлик иш ҳақидан тўланадиган даромад солиғининг 50 фоизини республика бюджетидан иш берувчига инсон омилсиз, ахборот тизимлари орқали автоматик тарзда қайтариб бериш тизимини йўлга қўйиш керак.

3. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш методикасини такомиллаштириш зарур. Бунда янги ташкил этилган, фаолият юритмаётган ёки тугатилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда улар фаолиятининг давомийлиги (*яшовчанлик даражаси*) каби мезонларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари ҳузурида Ҳудудни ривожлантиришни стратегик прогнозлаштириш таҳлил марказини ташкил қилиш. Стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида фуқароларнинг фикри

билан шаклланган ижтимоий сўров материаллари натижаси асосида аниқланган таклифларни инобатга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://xs.uz/uzkr/post/birinchi> yarim yillikdagi iqtisodiy natijalar va yil yakunigacha moljallangan ustuvor vazifalar muhokama qilindi.
2. Бурханов А.У., Қурбонов Х.А. Худудларда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаини кенгайтириш йўллари (*Қашқадарё вилояти мисолида*)// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил.
3. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 10 ноябрь. – Т. ТДИУ, 2017-б.27-28.
4. Хайдаров Н.Х. Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 2-сон.
5. Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.
6. Сухарев О.С. Инвестиции в трансакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 2020; 24(3):60–80. DOI:
7. Найденова Т.А, Швецова И.Н. Оценка формирования доходной базы местного бюджета (на материалах муниципального образования городского округа «Сыктывкар»). “Финансы и кредит”. 2014 г. стр.20-30.
8. Польшак Г. Б. Бюджетная система Р.Ф.-Москва: ЮНИТИ, 2001.- С.127
- 9 Власова Ю.А., Абрамова А.И. Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в России на примере Калужской области//Креативная экономика. 2015. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-813-сон Қонуни 7-илова.
11. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги VI-41-349-3-0-К/22-сонли қарори.
10. Жиззах вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси маълумотлари.
11. Жиззах вилояти солиқ бошқармаси маълумоти.
12. [https:// www.president.uz](https://www.president.uz) Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
13. <https://www.imv.uz> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти.
14. <https://jizzax.uz> Жиззах вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

